

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“АКАДЕМИК ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ ВА САМАРҚАНД
АДАБИЁТШУНОСЛИК МАКТАБИ ТАРАҚҚИЁТИ”
мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари
(Самарқанд, 03.11.2022 й)

Самарқанд – 2022

Нурбой Жабборов,
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
Ўзбек адабиёти тарихи кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор

ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ – САМАРҚАНД АДАБИЁТШУНОСЛИК ИЛМИЙ МАКТАБИ АСОСЧИСИ

XX асрда ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши янги юксалиш босқичига кирди – мутахассислар буни яқдил эътироф этадилар. Жумладан, ўтган юзйилликда миллий адабиётимиз тарихига доир кўплаб янги факт ва далиллар илмий муомалага олиб кирилди. Мутахассислар эътиборидан четда қолиб келган кўплаб қўлёзмалар тадқиқ қилинди. Буюк шоиру адиблар асарларининг илмий-танқидий матнлари яратилди. Тадқиқот усуллари, мезонларига доир назарий қарашлар шаклланди, ривожланди. Илмий академизм кучайди.

Мумтоз адабиётимизга оид тадқиқотларнинг бир асрлик тарихига, тадрижига назар солар эканмиз, бу соҳадаги илмий мактаблар асосан икки ҳудудда – Тошкент ва Самарқанд университетларида тараққий этганини кузатиш мумкин. Ўтган асрда Тошкентда, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида адабиёт соҳасида тўртта илмий мактаб яратилгани эътироф этилади: адабий танқид бўйича – Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов; ўзбек адабиёти тарихи бўйича – профессор Ғулом Каримов, жадидчилик ва жадид адабиёти бўйича – профессор Бегали Қосимов, ўзбек таржимашунослиги бўйича – профессор Ғайбулла Саломов илмий мактаблари. [Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари 2008: 258-267; 277-291; 331-340] Самарқанд адабиётшунослик илмий мактабининг шаклланиши ва ривожи эса, бевосита академик Воҳид Абдуллаев номи билан боғлиқ.

Олимнинг ўзбек мумтоз адабиётига доир тадқиқотлари марказида “Навой Самарқандда” монографияси туради. Монографияда олим Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-

бахрайн”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, “Макорим ул-ахлоқ” сингари тарихий; Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Садди Искандарий” каби илмий-бадий асарлари ва бошқа ишончли манбаларнинг қиёсий таҳлилига таяниб, буюк мутафаккирнинг Самарқандга келиши сабабларини адабиётшуносликда биринчи марта илмий жиҳатдан чуқур асослади. Навоийгача ва у келган вақтдаги Самарқанд тарихий-маданий, адабий-илмий муҳитига доир таҳлилий фикрлари олимнинг илмий-назарий базаси нечоғлиқ теран, тафаккур миқёси нақадар кенг бўлганидан далолат беради. Монографияда Алишер Навоийнинг Самарқандда илм таҳсил қилиши жараёнидан аълам ул-уламо Фазлуллоҳ Абуллайсий хонадони билан мулоқотигача; улуғ мутафаккирнинг фикр, поэтика, фалсафа, тарих, география, астрономия ва риёзиёт илмларини ўрганиши масалаларидан Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқанд таърифига оид сатрлари таҳлилигача; буюк адибнинг Самарқанддаги адабий фаолиятдан Ҳиротга қайтгандан кейин ҳам бу қадимий шаҳар олимларини ижодкорлари билан муносабати давом этганигача; ундан Самарқанд адабий муҳитидаги Навоийга издошлик муаммоларигача чуқур таҳлил ва тадқиқ қилинган, эътиборга молик назарий умумлашмалар чиқарилган.

Эътироф этилган бир ҳақиқат бор: “Илм баҳсу мунозараларда ривожланади”. Олимнинг олимлиги, айниқса, илмий мунозарада яққолроқ намоён бўлади. Ўзбек академиги Воҳид Абдуллаевнинг рус академиги В.В.Бартольд билан мунозаралари бу фикрни тасдиқлайди. “Навоий Самарқандда” монографиясида ўқиймиз: *“Академик Бартольд ўзининг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт” асарида, бир томондан, Алишернинг Самарқандга келишидаги сабабларни ноаниқ тушунтирса, иккинчи томондан, Самарқанднинг XV аср 60-70-йилларидаги маданий ҳаётига ҳам тўғри баҳо бермайди. У: “Бу вақтларда Самарқандга ўқиш учун келмас эдилар”, дейди. Бу фикрга қўшилиб, баъзи навоийшунослар ва, шу жумладан, “Звезда Востока” журналида бир неча мақолалари босилиб чиққан М.А.Салье ҳам худди шу гапни қайта-қайта такрорлаган. Эътироф этиш лозимки, Мирзо Улуғбек давридаги келиш-кетиш даражасидан кўп мартабалар фарқи бўлса ҳам, худди шу Хожа Хисрав, Алои Шоший, Фазлуллоҳ Абуллайсийлар мударрислик қилган*

даврда (60-70-йилларда) толиби илмлар ўқиш учун Самарқандга кела бошлаган эдилар” [Абдуллаев 2002: 31].

Ўша мураккаб ва зиддиятли замонда “буюк оға”нинг илмдаги эътиборли вакиллари қарашларига бундай дадил қарши фикр айта олишга ҳамманинг ҳам ҳадди сиғмагани аён. Маълум бўладики, Воҳид Абдуллаевда теран илм баробарида миллий ғурур, ўз халқи, адабиёти манфаатини ҳимоя қила билиш, жасорат сингари туйғулар ҳам мужассам бўлган.

Ҳар қандай тадқиқотнинг илмий қиммати, биринчи навбатда, ушбу соҳанинг кейинги ривожига нечоғлик таъсир эта олишида ойдинроқ кўринади. Шу нуқтаи назардан, “Навоий Самарқандда” монографиясининг катта аҳамиятга эга эканини тасдиқловчи далилларга мурожаат этиш зарурати бор. Биринчидан, мазкур илмий асардан кейин Алишер Навоий илмий биографиясини яратиш билан боғлиқ бирор тадқиқот йўқки, унда академик Воҳид Абдуллаев илмий хулосаларига таянилмаган, олимнинг мазкур монографиясидаги фикрларга ҳавола берилмаган бўлсин. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан яратилган “Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдлигининг иккинчи жилди тўлалигича Алишер Навоий ижодига бағишлангани маълум. Ушбу йирик тадқиқотда улуғ мутафаккирнинг Самарқанд даври ҳаёти ҳақида маълумот берилар экан, академик Воҳид Абдуллаев монографиясига бир неча марта ҳаволалар берилади; устоз олим тадқиқотидаги факт ва далиллардан истифода этилади. [Ўзбек адабиёти тарихи 1977: 50-54]

Академик Азиз Қаюмов эътирофича: “Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ва унинг Самарқанддаги таҳсил йилларига оид Воҳид Абдуллаев қаламига оид асарлар ўзининг кенг кўламда эканлиги, фактик материалларга бойлиги, мавзу доирасининг кенглиги билан ажралиб туради” [Қаюмов 2002: 117].

Навоийшуносликдаги нисбатан энг янги тадқиқотлардан бири саналган профессор Ш.Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик таҳлили” монографиясида ҳам академик Воҳид Абдуллаев тадқиқотининг аҳамияти эътироф этилган. Олим, жумладан, мана бундай ёзади: “Самарқанд Алишер Навоий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд илм-фан маркази сифатида ўз аҳамиятини

йўқотгани борасидаги рус олимларининг таъкидларини баҳс доирасига тортишнинг ҳожати йўқ. Чунки бундай қарашлар анча йиллар олдин академик Воҳид Абдуллаев томонидан жиддий қораланган ва етарлича далиллар асосида унинг акси исботлаб берилган эди” [Сирожиддинов 2011: 59].

Профессор Дилором Салоҳийнинг “Хамсат ул-аброр ёхуд яхши кишилар бешлиги” китобида устоз олим монографиясига мана бундай баҳо берилади: “Унинг меросида, айниқса, Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди, унинг издошлари силсилалари ҳақидаги изланишлар тадқиқотларининг энг асосий мавзуси, бош йўналиши бўлди” [Салоҳий 2014: 19].

Нафақат олимлар, ҳатто замонамизнинг атоқли ижодкорлари ҳам ҳазрат Алишер Навоий ҳаётининг Самарқанд даврига қизиқиш билдирар эканлар, академик Воҳид Абдуллаев китобига мурожаат этишга эҳтиёж сезадилар. Яқинда Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййид ушбу мавзуда ижодий режалари борлигини айтиб, каминадан устоз олимнинг мазкур монографиясини сўради. Бундан кўриниб турибдики, ҳатто бугунги кунгача “Навоий Самарқандда” китобига илмий-ижодий зарурат кучайса кучаймоқдаки, камаяётгани йўқ. Уни мутолаа қилишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётир.

Олимнинг мазкур монографиясидаги қарашлари олий таълим дастурлари ва дарсликлари орқали адабиётшуносларнинг янги авлодларини тарбиялашга хизмат қилди, хизмат қилаётир. Натан Маллаев муаллифлигидаги “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг 1976 йилги қайта ишланган учинчи нашрида ўқиймиз: “В.А.Абдуллаевнинг “Навоий Самарқандда” (1968) асари Навоий биографиясини янги маълумот ва фактлар билан бойитувчи асар сифатида қимматлидир” [Маллаев 1976: 361].

Академик Воҳид Абдуллаев илмий тадқиқотларидаги иккинчи йирик йўналишни XVII-XIX асрлар Хоразм адабий муҳитининг йирик намояндалари Мавлоно Вафо - Вафой, Паҳлавонқули Равнақ, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Муҳаммад Хоксор ҳаёти ва адабий меросига оид илмий изланишлар ташкил этади.

Эътироф этиш керак, олимнинг Мавлоно Вафо - Вафой ҳамда Паҳлавонқули Равнақ биографияси ва асарлари таҳлиliga доир фикрлари адабиётшунослик учун чин маънода янгилик бўлган. Ҳар икки ижодкор

асарларининг “Фирдавс ул-иқбол”, “Мухаммасоти мутафарриқа”, “Баёзи мухаммасот” сингари қўлёзма манбалардан излаб топиб таҳлилга тортилгани, уларнинг ҳаёт йўли, дунёқараши тадқиқига оид мулоҳазалар заҳматли илмий изланишлар самараси сифатида юзага келгани бунинг исботидир. Вафой ва ҳукмдор Орангхон, Вафой ва шоир Нодир муносабатларига, ижодкорнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари таҳлиliga оид қимматли маълумотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Соҳиби девон шоир Равнақ асарларининг мавзундарижаси, жанр хусусиятлари, Равнақ ва Абулғози Баҳодирхон муносабатларига доир қарашлар, ўша давр мафкураси талаби билан айтилган айрим фикрларни истисно қилганда, адабиётшуносликни янги маълумотлар билан бойитганини таъкидлаш керак. Академик Воҳид Абдуллаев Навоий ва Равнақ асарлари мисолида анъана ва новаторлик масаласини, айниқса, чуқур таҳлил этган. Олимнинг мана бу фикрлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас: “Равнақ Навоий фикрларини такрорламасдан, уларни ўз даври талабларига мувофиқ ижодий равишда ривожлантирганки, бу – шоирнинг эл ва юрт олдидаги хизматидан далолат беради”. [Абдуллаев 2002: 126]

Вафой ва Равнақ адабий мероси бўйича устоз олим изланишлари заминида илмий тадқиқотларни изчил давом эттириш, улар адабий меросини тўлиқ излаб топиш, илмий изоҳлар билан нашр эттириш, бу икки шоирнинг адабиётимиз тарихидаги ўрнини илмий асосда белгилаш адабиётшуносликнинг галдаги вазифаларидандир.

Академик Воҳид Абдуллевнинг эътиборга молик яна бир тадқиқоти XVIII асрда яшаб ижод қилган Муҳаммад Хоксор ва унинг “Мунтахаб ул-луғот”и ҳақидадир. Ёзилган вақтидаёқ Бухоро, Самарқанд, Марв ва бошқа шаҳарларда котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, шуҳрат топган бу асар олим томонидан чуқур ўрганилган. Устоз адабиётшунос асарда ҳайвонот ва наботот, ҳунармандчилик, косибчилик атамалари, кийим-кечак, зийнат безаклари, ишлаб чиқариш ва жамият ҳаёти учун керакли ашёлар ҳақида, одамларнинг онги ва билимини юксалтиришда зўр аҳамиятга эга бўлган география, тригонометрия, астрономия, архитектура, мусиқа, адабиёт, хаттотлик ва бошқа соҳалар юзасидан қимматли қомусий маълумотлар ўрин олгани ҳақида ёзади.

Олимнинг аниқлашича, луғатда турли соҳаларга оид сўзларнинг маъносини изоҳлашда муаллиф ўзбек, араб, тожик ва озарбайжон

адабиётининг мумтоз намуналаридан мисоллар келтиради. Жумладан, луғатда сўзлар Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” асарларидан, Низомий ва Фузулий сингари озарбайжон, Ҳуссон, Саҳбон, Фараздақ каби араб, Фирдавсий, Саъдий ва Жомий тимсолидаги тожик шоирлари шеър дустонларидан олинган мисоллар орқали изоҳлангани, айниқса, аҳамиятлидир.

Исбот талаб қилмайдиган машҳур қоида бор: илм ривожланмаган жойда таълим тизими ҳам тараққий этмайди. Негаки, илмнинг сўнгги ютуқлари талабалар аудиториясига олиб кирилмас, ўқув жараёнига фаол татбиқ этилмас экан, таълимда юксак натижаларга эришмоқ маҳол. Шунинг учун ҳам академик Воҳид Абдуллаев илм ва таълимни узвий алоқадорликда олиб борди. Олим ўз тадқиқотлари ва илмда эришилган янги натижалар негизида XVII асрдан XIX аср иккинчи ярмигача бўлган давр адабиёти бўйича олий таълим муассасалари филология факультетлари учун дарслик яратди.

XIX аср иккинчи ярмида миллий адабиётимиз тарихи бўйича уч йирик олим томонидан учта дарслик яратилгани маълум. Адабиётимизнинг энг қадимги давридан то XVII асргача - Натан Маллаев, XVII асрдан XIX аср иккинчи ярмигача - Воҳид Абдуллаев, XIX аср иккинчи ярмидан XX аср биринчи чорагигача - Ғулом Каримов. Қарийб ўттиз йил давомида авлодлар адабиёт тарихидан ана шу уч дарслик асосида таълим олди. Улар орасидан неча-неча фан номзодлари, докторлари, ижодкорлару арбоблар етишиб чиқди. Ана шу муҳим жараёнда Воҳид Абдуллаев томонидан яратилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги зиммасига юклатилган вазифани тўлақонли адо этди.

Замон эврилди, дунёқараш, тузум, тутум ўзгарди. Давлатимиз мустақил, элимиз эркин бўлди. Таълимнинг барча бўғинларидаги сингари олий таълим тизимида ҳам дастурлар, дарсликларнинг мунтазам янгиланиши жараёни кечмоқда. Бироқ академик Воҳид Абдуллаевнинг илмий ишлари, олим томонидан яратилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги, ўша давр ҳукмрон мафкураси билан боғлиқ айрим талқинларни истисно қилганда, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Академик Воҳид Абдуллаев ўз тадқиқотлари, олий таълим тизими учун яратган дарслиги билан ўзбек адабиёти тарихи бўйича Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва Абдурахмон Саъдийлар томонидан тамал тоши қўйилган Самарқанд илмий мактабига асос солди. Янгича назарий

қарашлари, янгидан-янги илмий тадқиқотлари билан бу илмий мактаб пойдеворини мустаҳкамлади, ривожлантирди.

Илмий мактаб қачон эътироф этилади? Қачонки, бу илмий мактаб асосчисининг ўзига хос тадқиқот усуллари, муносиб анъаналари издошлари, шогирдлари томонидан давом эттирилса, янги босқичларга кўтарилса. Академик Воҳид Абдуллаев илмий мактаби анъаналари академик Ботурхон Валихўжаев, профессор Раҳмонкул Орзибеков сингари олимлар томонидан муносиб давом эттирилди. Айни кезде атоқли олимлар Муслиҳиддин Муҳиддинов, Дилором Салоҳий, Исроилжон Сулаймонов, Усмон Қобилов, Назмия Муҳиддинова ва бир қатор ёш истеъдодли олимлар илмий изланишлари тимсолида ривожлантирилмоқда. Ўзбек адабиёти тарихи бўйича Самарқанд илмий мактаби бундан кейин ҳам миллий мумтоз адабиётимизни янгича миқёс ва кўламларда тадқиқ қилиш, илмдаги энг сўнгги янгиликларни олий таълим тизимига муваффақиятли татбиқ этиш борасида ўз сўзини айтишига ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. -Тошкент: Ўқитувчи, 2008.
2. Абдуллаев В. Танланган асарлар. -Тошкент: Фан, 2002.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. II том. - Тошкент: Фан, 1977.
4. Қаюмов А. Улкан адабиётшунос. /Абдуллаев В. Танланган асарлар. 2-жилд. - Тошкент: Фан, 2002.
5. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик таҳлили. -Тошкент: Академнашр, 2011.
6. Салоҳий Д. Хамсат ул-аброр ёхуд яхши кишилар бешлиги. – Самарқанд, 2014.
7. Маллаев Н. Ўзбек адабиёт тарихи. Дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976.

Мундарижа

АКАДЕМИК ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов. Воҳид Абдуллаев ва Самарқандда навоийшунослик.....	3
Ҳотам Умутов. Самарқанднинг ўзидай катта муаллим.....	15
Нурбой Жабборов. Воҳид Абдуллаев – Самарқанд адабиётшунослик илмий мактаби асосчиси.....	20
Султонмурод Олим. Олимнинг олам.....	27
Абдуҳамид Холмуродов. Таҳлилда беназир олим.....	34
Ҳусниддин Эшонқулов. Самарқанд ва Бухоро илмий-адабий муҳити ҳамкорлиги самаралари.....	40
Dilfuza Rahmatova. Vohid Abdullayev – Samarqand faxri.....	33.

ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИГА ОИД ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР ТАДҚИҚИ

Nafas Shodmonov, G'iyosiddin Shodmonov. Шарқ мумтоз адабиётига оид қўлёзма манбалар тадқиқи.....	54
Исҳақжон Исмаилов. Тарихнависликка эътиборнинг асар бадииятида тутган ўрни	66
Ҳулқар Сулаймонова. Расоил жанри ривожда Абу Бакр Хоразмий ижодининг ўрни.....	74
Dilfuza Toshniyozova. Sayidmuhammad Xalifa Yo`ldosh Ota Ibn Davlat devonining matniy o`ziga xosligi.....	78
Олим Равшанов. Адабий манбалар – давр кўзгуси (XIX аср иккинчи ярми – XX аср боши Қашқадарё адабий ҳаёти).....	82

ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ ВА МЕТОДЛАР

Зоҳид Садиқов. “Қутадғу билиг” асари қаҳрамонлари маънавий-интеллектуал оламини таржимада қайта яратиш муаммолари.....	92
Обиджон Каримов, Муродил Мирзаев. Шарқ ва Ғарб мумтоз даври адабиётшунослигида поэтика масаласини ўрганишда ўзаро таъсир талқини.....	102
Матлуба Жабборова. Навоий ғазалларида Баҳром образи.....	108
Одилжон Авазназаров. Соқий образининг ботиний хоссалари...	113